

Д.Абдуллаев ЎзДК “Овоз ёзиш
ўқув студияси” овоз режиссёри

Радиода овоз ёзиш жараёнлари ва имкониятлари.

Телевидение ва радиода овоз ёзиш эшиттириш тарғибот-ташвиқот воситаси сифатида катта оммавий ва сиёсий аҳамиятга эга бўлиб, тингловчиларнинг маданий ва маънавий савиясини оширувчи муҳим восита ҳисобланади. Овоз ёзиш, эшиттириш техник ташкилий мажмуа бўлиб, турли овоз маълумотларини шакллантириш ва ҳудудий кенг тарқалган тингловчиларга махсус техника воситалари ёрдамида етказиш, узатиш учун мўлжалланади. Овоз ёзишнинг асосий вазифаси тингловчиларга турли овозли информацияларини юқори сифатда етказишдан иборат. Овоз ёзиш усуллари ёрдамида керакли шовқин,

эфектлар ишлатилиши асардаги қаҳрамонлар образини янада бадийлашишига уларни характер ва сўзларини ифодали мазмун топишида кўмаклашади. Дастурларни узатиш жараёни фақат техник таъминотга боғлиқ эмас. Бу бадий жараёнга овоз режиссёри фаол ижодий ёндашиши талаб этилади ва уни бу ёндошуви тайёрланадиган эшиттириш сифати ва бадийлигини белгилаб беради.

Телевидение, радио, кино, театр ва мультипликация соҳаларида овоз ёзиш жараёнини оммавий коммуникацион воситалар ва техноген санъат турларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Мукаммал ёзилган фонограмма асар табиийлиги ва мувофиқлигини сақлайди, тингловчиларда эса оригинал асар каби таъсурот қолдиради. Фонограмма сифатли ёзилган бўлса асарнинг асл нусхаси ва қайта ёзилган нусха ўртасидаги фарқни фақат мутахассисгина сезиши мумкин. Радиода одатда мусиқий асарлар овоз ташувчи воситалар ҳисобланган компакт дисклар, аудио кассеталар, флешка воситалари орқали узатилади. Жонли мусиқий дастурлар ва синхрон трансляциялар кўп йиллар давоимда радио саъатининг ўзига хос томонлари ва ютуғи бўлиб келган. Радиоэшиттиришларнинг асосий бадий бўлими сифатида радиоспектакллар ҳам ўз аҳамиятига эга. Радиоспектаклларда ҳатти-ҳаракатлар учун турли хил товушли эфектлар ҳам радиоспектакль безагини белгилаб турган. Бундай радиоспектаклларда мусиқий, шовқинли ва товушли техникавий безаклар олдиндан режалаштирилган.

Овоз режиссёрлиги санъати сахнадаги қаҳрамоннинг эмоционал ҳис-туйғуларини, мимикаларини овозда тасвирлаб бериб тингловчиларнинг асарга бўлган диққатини оширади. Спектаклнинг сюжети бўйича иштирокчи образи ҳар-хил ҳолатда ҳаракат қилиши, ички монолог ижро этиши, ҳаракатда фикр юритиши, хор ансамбли ва унинг сон жиҳатидан таркиби, турли жанрдаги қўшиқ ва ашулаларни ижро этиши мумкин. Овоздаги турли хил акустик хусусиятларни тўғри баҳолаб узатиш овоз режиссёрининг зиммасига юклатилади. Овоз режиссёри нутқ, мусиқа ва шовқинларни яқин, ўрта, йирик ва умумий планларда жойлаштира олиши керак. Шу билан бирга сахна оралиғидаги паузалар, фонда узатиладиган элементлар билан ҳар бир ҳаракатга эмоционал ва мазмунли урғу бера билиши зарур. Асардаги ҳатти ҳаракатларга мос равишда берилган

овоз, тингловчиларни фазовий таъсурот олишларига замин яратади. Фақат репортаж ёки студияда ёзилган трасляцялар орқали радиодаги дастурлардан бундай таъсуротлар олиб бўлмайди. Радио ривожланишидаги бошланғич босқичларда сахналаштирилган асарлар монтаж ёрдамида пардаларга яъни серияларга бўлинади. Овоз режиссёри сахна муҳитини, нутқ ва мусиқадаги частотавий хусусиятларни меъёрга солиб асар темпоритми ва композицион тузилмасига боғлаб бериши ҳам зарур, бундай масала эса мураккаб қийматга эгадир. Радиода кўп каналли магнитофонларнинг пайдо бўлиши билан овозларни алоҳида ёзиб олиш имконияти вужудга келганлиги туфайли турли эшиттиришларни стерео шаклда тингловчиларга етказиш имкони туғилди. Муҳим овоз йирик планда узатилса, тингловчилар диққатини жалб этиш осонроқ бўлади. Овоз ёзиш жараёнида микрофонларнинг турли позицияларда жойлаштирилганига қараб таъсуротлар ҳам ўзгариб боради. Радиода овоз ёзишнинг таркибий қисми бўйича бир нечта турлари мавжуд. Хужжатли ёзувлар, воқеалар, чиқишлар, интервьюлар, бадий ёзувлар, мусиқий ва театр асарлари, радиоспектакллар эшиттиришлар шулар жумласидандир. Атроф муҳитдаги, табиатдаги турли товушлар ва шовқинлар ёзувлари эффектлар ишлатилиши дастурлар мазмундорлигини таъминлайди. Телевидение кино ва радиода овоз эффектлари асосан уч турга бўлинади:

1. Студияларнинг ўзида яратиладиган ва амалга ошириладиган эффектлар.
2. Махсус фонека фондларидаги овоз эффектлари, ёзув фонограммалари.
3. Компьютерлаштирилган сунъий эффектлар.

Эффектлар яратилиши учун студиядаги омбор керакли жиҳозлар билан таъминланган бўлиши шарт унда акустик муҳит ифода этилган бўлиши керак. Турли эффектлар ёрдамида ҳар хил шовқин ва товушларни вужудга келтириш мумкин. Аммо уларни микрофон орқали табиий равишда ёзиб олиш жараёни қийинчилик туғдириши мумкин. Масалан: автомобил ичида жойлаштирилган микрофон ташқи шовқинларни олиб беролмайди, аксинча ташқи шовқинлар машинанинг двигатель механизмини ёзиб олишда ҳалақит бериши мумкин. Муайян воқеа ва ҳодисанинг фонограммаси овоз манзарасини белгилайди. Тўлиқ овозли ечимга эга фонограмма тайёр

радиоматериал ҳисобланади. Радио асосан мусиқа билан тирик. Телевидениега нисбатан бу санъат оламида овоз ҳукмдорлиги яққол сезилади. Замонавий радио санъати ахборот етказишда пешқадамлиги билан бир қаторда товушлар билан безатилган озуқа сифатида ҳам тингловчиларга хизмат қилади.
